# “HURRIYAT”ДАН МИННАТДОРМИЗ!

Сизларнинг бу ҳаракатингиз бизга давлатимизда ошкоралик ва демократиянинг ривожланаётгани ҳамда ҳар бир шахс ўз ҳуқуқи учун курашишига кенг йўл очилганлигини кўрсатиб, адолатга ишониш ҳиссини оширди. Бизнинг арзимизни хўжалик судлари ҳамма босқичда кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди 2003 йил 4 июнда ўз қарори билан охирги адолатли нуқтани қўйди, яъни бизнинг мулкка бўлган ҳуқуқимиз тикланди.

2 -бет

# САВИЯСИ САЁЗ ALIFBE

“Математика” дарслигининг 69-бетида тасвирланган собиқ Шўро тузуми давридаги янги йил – арча байрами лавҳаси “Алифбе”нинг 71-бетида жойлаштирилган. “Математика”даги арча учидаги беш юлдуз “Alifbe”да саккиз қиррали шаклга алмаштирилган, ҳар иккала расмнинг моҳияти, мазмуни бир хил.

“Alifbe” китобининг муаллиф ва муҳаррирлари бундан 17 йил муқаддам чоп этилган “Математика”...



3 -бет

# Куз руҳияти

*Боғ...*
*Сарғайган япроқлар шивирлаб,*
*Юрагимни тилди пичоқдай.*
*Воҳ,*
*Вужудим титрайди кузги япроқдай.*
*Шу тоб,*

*Эшиги очилиб хотиротимнинг,*
*Кўзим оламига кирди аллаким.*
*У ким?...*
*Балки сен,*
*Балки ҳайҳотдай ўлим.*



4 -бет



Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№ 46-47 (352-353) 2003-yil 19-noyabr



«HURRIYAT» сизники,
Сиз HURRIYATники бўлинг!
Газетамизга 2004 йил учун обуна давом этмоқда.
Нашр кўрсаткичи — 233


Жараён

# ЭНДИ ФАҚАТ СПОРТЧИ-ЖУРНАЛИСТЛАР КЕРАК

**Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори кўпчиликда қизиқиш уйғотганини айтмаслик инсофдан эмас. У мамлакатимизда истиқболда спортни янада ривожлантириш, тарғиб қилиш, жаҳон спорти жараёнларини бевосита кузатиб бориш... учун имконият туғдиради. Мухбиримиз бир гуруҳ талаба-журналистларнинг унга бўлган муносабати билан қизиқди.**

***Умаржон Тўлаганов, ЎзМУ, Журналистика факультети 2-босқич талабаси:***

— Агар мундоқ разм солсангиз, журналистлар фаолиятида ҳам биз кўпдан бери орзу қилган ихтисослашув жараёни кечаётганга ўхшайди. Янги ташкил этилаётган “Спорт” телеканали унинг ёрқин намунасидир. Энди фақат зўр спортчи-журналистлар керак.

***Феруза Жўраева, ЎзМУ Журналистика факультети 1-босқич талабаси:***

— Буни мен спортчи-журналистларимиз учун катта имконият, қолаверса, масъулият деб ҳисоблайман. Мен спортчи-журналистларимиз ичида қизларимиз ҳам борлигидан фахрланаман. Ва уларнинг сафи энди янада кўпаяди, деб умид қиламан.

***Отабек Тўраев, ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети 3-босқич талабаси:***

— Битта телеканалда аввал 6 соат, қисқа муддатдан кейин 8 соатлик кўрсатувлар тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Янги телеканал агар биз каби талабалар имкониятидан ҳам фойдаланса яхши бўларди. Биз уларга ҳам ёрдам берардик, ҳам қўшимча спортчи-журналистлар захираси тайёрланарди.

***Раҳманжон НЕЪМАТЖОНОВ, ЎзМУ талабаси:***

— Мен янги телеканал тобора унутилаётган ўзбек халқ ўйинларига кўпроқ эътибор қаратишини истардим. Ҳолбуки, қанчадан-қанча болалар ўйнайдиган миллий ўйинларимиз бор. Уларни тарғиб қилиш, мумкин бўлса, қайта тиклаш чораларини кўришимиз керак.

***Карим, УзДЖТУ талабаси:***

— Мен янги “Спорт” телеканали ўзбек спротчиларининг жаҳон миқёсига кўпроқ чиқишида восита ёки сабабчи бўлади, деб умид қиламан. Қарорда рағбатлантириш чоралари ҳам назарда тутилганини қўллаб-қувватлайман. Ва яна менга қарорнинг танқидий руҳда тайёрланганлиги, камчилик ва муаммоларимиз ҳам тилга олингани жуда мақбул кўринди.

**Суҳбатдош: МУХБИРИМИЗ**

“Обуна - 2004”



## “HURRIYAT” МЕНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМ

*Мен иккиланмасдан айтишим мумкинки, ўтаётган ҳар бир кунимни, умримни, матбуотсиз тасаввур эта олмайман. Доим ишдан қайтишимда обуна бўлган нашрларимни уйга олиб келиб, бирма-бир эринмасдан, синчиклаб варақлаб чиқаман. Саҳифалардаги ранг-баранг, долзарб мавзуларда ёзилган мақолаларни ўқир эканман, барча чарчоғим ёзилади.*

*Рафиқам Рўзигулхон Бўтаева ҳам, фарзандларим ҳам “Hurriyat”ни ўқишни ўзларининг кундалик дастурига айлантириб олишган. Бутун оила аъзоларим биргалашиб мустақил газетамизни севиб ўқиймиз. Шу газета орқали турли янгиликлардан бохабар бўламиз. Шунинг учун ҳам бизга кўпроқ “Hurriyat”да босилаётган ҳар хил мавзудаги мақолалар, хабарлар қизиқарлироқ туюлади.*

*Матбуотнинг бажарадиган асосий вазифаларидан бири мутлақ мавжуд нарсалар, воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот бериш бўлса керак, деб ўйлайман. Шу сабабдан ҳам кўпинча айрим оғзаки миш-мишларга эътибор бермасдан, дарров газета варақлашни афзал биламан. Газетага бўлган ихлосим, меҳрим, кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Бу болалигимдан, ўқувчилик йилларимдан қолган одат. Уйдами, ишдами, кўча-кўйдами, автобус-таксидами доим ёнимда “Hurriyat” газетасини олиб юраман.*

*Баъзан иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб, йиллаб газета-журналларга обуна бўлмайдиган, матбуот нашрларини варақламайдиган замондошларимни учратганимда, уларнинг ҳаёти ниҳоятда зерикарли ва мазмунсиз ўтаётганлигига қаттиқ ачиниб кетаман. Тўғри, бугунги шароитни тушуниш лозим. Аммо, айрим биродарларимиз чўнтагида бор пулини ҳам обунага эмас, кони зарар бўлган тамаки ва спиртли ичимликларга сарфлаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?! Ана шундай умри ғафлатда ўтаётган кишиларга икки оғиз сўзим бор: оғайнилар, касбу коримиз, ёшимиз, матлатимизу мансабимиз қандай бўлишидан қатъий назар, матбуот ҳаммамизнинг кўзгумиздир. Унга ҳеч бўлмаганда кунда, кунора бир қараб, ўз аксингизни ёинки ўзингизга ўхшаганлар аксини кўриб қўйсангиз зарар қилмайди. Ҳаётни, дунёни, бораётган йўлингизни тўғри эканлигини чуқурроқ англайсиз. Ахир, матбуотсиз ўтган кун ҳам кун бўладими... Шахсан менинг севимли газетам “Hurriyat”сиз бир куним ҳам ўтмасин!*

**Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ**
**Сариосиё тумани.**

ММMда

# Хорижлик қориларга эҳтиёж қолмади

## *Фитр-садақа жон бошига 260 дан 300 сўмгача берилар экан*

Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш. Миноваров, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вакили А. Исмоилов, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби А. Турсунов ва бошқа дин арбоблари маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган, “Рамазон ҳайити муносабати билан мусулмонларга яратилаётган шарт-шароитлар” мавзусига бағишланган брифингда ана шундай хулосага келганликларини билдиришди.

Берилган маълумотларга қараганда, Рамазон ойи давомида барча масжидларда таровиҳ намозлари ўқилаяпти, хатми Қуръонлар қилинаяпти. Энг муҳими, яқин-яқинларгача хатми Қуръон учун қорилар, асосан, мусулмон хорижий мамлакатлардан таклиф қилинган. Лекин жорий йил Рамазон ойида бунга мутлақо эҳтиёж қолмаган. 1500 дан зиёд жоме масжидларидаги хатми Қуръонларни ўзимизда истиқомат қилаётган қорилар аъло даражада бажаришаяпти.

Дин арбобларининг айтишларича, бунинг асослари бор. Масалан, Истиқлолгача мамлакатимизда атиги битта мадраса (Бухорода) ва битта Ислом институти (Тошкентда) бор эди. Айни пайтда уларнинг сони ўндан ошди. Уларда бугунги кунда 2000 дан ортиқ талаба сабоқ олаяпти. Ислом университети қошида қориларни тайёрлайдиган махсус бўлим бор. Яна бир муҳим томони шундаки, мадраса дипломи давлат дипломи мақомига эга бўлди.

Брифингда таъкидланганидек, 25 ноябрь — катта Ҳайит куни мавжуд 2 мингга яқин масжидлар (90 фоизи жоме) ўз ичига 5 миллионга яқин намозхонни сиғдира олади. Барча масжидлар овоз кучайтиргич мосламалари билан тўла таъминланган. Ўша куни шаҳар транспорти одатдагидек ҳаракатланади. Намозхонлар эмин-эркин ибодат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилади.

Яна бир муҳим маълумот. Бирифингда айтилганидек, бу йил фитр-садақа жон бошига 260-300 сўмдан (2 кило буғдой нархи) берилади. Эҳтиёжидан ортиқ 650 минг сўмгача маблағи бор бўлган мусулмон эса 18 минг сўм миқдорида закот бериши мумкин экан.

**МУХБИРИМИЗ**

Акс-садо

# ХАФА БЎЛМАНГ, ДОМЛА!

**Ўзим туризм коллежида ўқисам ҳам журналистикага қизиқаман. Шу йил Бухоро вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси ҳузурида ташкил этилган “Ёш журналистлар мактаби”нинг олти ойлик курсини ҳам ўқиб чиқдим.**

“Turkiston” ва “Hurriyat” менинг севимли газеталаримдан. Уларда эркин фикр кўпроқ. Аммо “Hurriyat”нинг шу йил 12 ноябр сонида профессор Нусратулло Жумахўжанинг “Тафаккур ҳокимияти” мақоласини ўқиб ажабландим. Унда номи айтилмаган бўлса ҳам “Turkiston” газетаси танқид қилинган экан. Мақолада айтилган фикрлар қанчалик ҳақиқатлигини билиш учун “Turkiston” газетаси тахламасини қайта варақладим.

Мана ўша “Ётоқхона аввал қизларга...” мақоласи. Мўъжазгина. Муаллиф аниқ, гапирган талабалар, қайси ўқув юрти ҳақида гап кетаётганлиги ҳам аниқ. Мулоҳаза ўринли. Ҳақиқатда талабаларга ётоқхоналарда жой етишмайди. Бухорода ҳам шундай. Муаллиф Тошкент давлат юридик институтида ҳам шундай вазият мавжудлигини айтиб ўтган. Юридик институти профессори бўлган профессор Н. Жумахўжа эса бундан хафа бўлиб, талабалар ётоқхонаси чиройлилигини мақтаб кетганлар. Бўлса бордир. Лекин “Turkiston”да бу ётоқхона ҳақида гап кетмаганку. Гап талабаларнинг ҳаммаси ётоқхона билан таъминланмаганлиги хусусида бораётганлигини наҳотки домла илғамаган бўлсалар?!

Домланинг кейинги мулоҳазалари “Turkiston”нинг 2003 йил 27 сентябрдаги сонидан ўрин олган “Шпаргалка” саҳифаси хусусида экан. Ярим ҳазил, ярим чин гапларга бой бу саҳифа кўпчилик талабалар қатори менга ҳам ёқади. Ўзим айрим домлаларнинг таъмагирлиги ҳақида илгари “Бухоро ёшлари” газетасида мақола чиқарган эдим. Яна коллежлардаги айрим кўзбўямачиликлар ҳақида ёзган эдим, вилоят газетаси “факти йўқ” деб босмади. Қачонгача фактни талаб қилиб, бор ҳақиқатни яшириб келамиз? Талаба фактни очиқ айтса, бошига қандай кунлар тушишини биласиз-ку. Бунинг учун тажрибали журналист текширув олиб бориши керак. Унгача ҳам муаммо ҳақида бир-икки айтиб қўйиш керак-ку.

Нусратулло Жумахўжа ана шундай эндигина куртак отаётган ниҳолни синдиришга уринмаяптиларми? Ундан кўра бу ниҳолни парваришлаб, улғайтириб, мевасини кўришгача ёрдам бериш матбуотимиз жонкуярлари вазифаси деб ўйлайман.

Домланинг “Ёшлар нашрининг устозлар байрами арафасида чиққан 16 саҳифасининг биронтасидан устозларни эъзозловчи завқёб мақола, юқоридагидек ҳадиси байту ғазаллар ўрин олса, қанийди” дейишлари эса ҳақиқий жаҳли чиққан кишининг туҳматига ўхшайди. Ахир ўша соннинг 2-бетида мўътабар устозлардан бир нечтасининг суратлари билан ижобий мақола ва лавҳалар, ўқитувчи-шоирнинг гўзал шеъри, 3-бетда Термиз Давлат университети, 4-бетда Фарғона коллежлари ҳақида мақолалар берилганку. Умуман, шу сондаги ҳамма материаллар ёшларни қизиқтирадиган мавзуларга бағишланган.

Бизга ўта жиддий, фақат мақтовлардан иборат газета керак эмас. “Шпаргалка” саҳифасидаги ҳазилнамо гаплардан ҳам “кир” қидириш нима учун керак ўзи? Хафа бўлманг-у, домла, сиз ёшларнинг тилига, дилига тушунмаган кўринасиз.

**Гулноз АЛИМОВА,**
**Бухоро туризм коллежи талабаси**

Айём

# РАМАЗОН

*Моҳи рамазон, бу — маҳфират ойи,*
*Тавбаларни қабул айлагай Аллоҳ.*
*Жаннатда бу ойда ўтганнинг жойи,*
*Афв этилгай ҳатто кабира гуноҳ.*

*Демакки, оқибат, мурувват фасли,*
*Юзлашмоқ истасак саодат билан,*
*Насиб этсин, десак Аллоҳнинг васли*
*Эзгулик эш бўлсин ибодат билан.*

*Демак, тутиб имон, эзгулик дастин.*
*Яратгандан сен ҳам ибрат ол, банда!*
*Ўзгада бўлса ҳам хунхўрлик қасдинг,*
*Кечгил, Парвардигор кечиб турганда.*

*Гуноҳдир бу ойда бўлмоқ дилозор,*
*Осийликдир ҳасад, кек ва хусумат.*
*Битта ўксик дилга қила олгил кор*
*Муҳаммадга ўзинг санасанг уммат.*

*Тийилиб дунёнинг зеб-зийнатидан,*
*Лутфу яхшиликка макон эт қалбинг.*
*Ҳасад оловидан,*
*Ўч лаззатидан*
*Минг бор қадри баланд ҳавас, шафқатнинг.*

*Умри нолиш билан кечаётган зот,*
*Сен ҳам шукр қилгил, топгайсан барор.*
*Ношукрга зиндон туюлган ҳаёт,*
*Шукр қилганларни сийламоғи бор.*

*Ўзгалар бахтидан ич-этини еб,*
*Тугаб бораётган разил ғаразгўй.*
*Худодан астойдил сўрсанг ёлвориб,*
*Уйинг тўйхонадир, ҳар бир кунинг тўй.*

*Қаламин қарғанинг тумшуғи билиб,*
*Мўминлар қусурин титиб юрган кас.*
*Иғво ва бўҳтондан тургил тийилиб,*
*Аллоҳ берганини банда ололмас.*

*Эй, мансаб йўлида виждондан тонган*
*Амалпараст кимса, йиғиб ол ҳушин,*
*Баланд курсиларда ўлтирган билан*
*Арслон бўлиб қолмас зоти паст мушук.*

*Сенинг ҳам ризқ-рўзинг ниятингга эш,*
*Борин қадрига ет, ажраб қолмасдан.*
*Қулатмоқ бўлганинг фидойи дарвеш*
*Уни чалиш билан йиқа олмассан.*

*...Моҳи рамазон бу — равшан ойина,*
*Ўзин кўриб олсин унда ҳар мўмин.*
*Ғуборланган бўлса ният ва сийна*
*Тавба суви билан ювмоғи мумкин.*

*Бетавфиқлар қавмин истиғфорига*
*Имкон деб бу ойни яратган Эгам.*
*Қалбу шууримиз имон нури-ла,*
*Ўзинг мунаввар эт,*
*Ўзинг бокарам!*

*Шу шеърим баҳона Ўзингга такрор,*
*Изҳор этдим дилим ўртаган зорим.*
*Бундан чекар бўлса бадбинлар озор,*
*Шаккоклигим афв эт, Парвардигорим.*

**Ҳабиб САЪДУЛЛА,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## «HURRIYAT»ни самода ҳам ўқишмоқда



**2003 йил давомида «HURRIYAT» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.**

Мулоҳаза

# СУД МУСТАҚИЛЛИГИ ВА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ

## *фуқаролик жамиятининг асоси*

Судьялар мустақиллиги ва матбуот эркинлиги муштарак тушунчалар бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бирининг мустақиллигига раҳна соладиган омил иккинчисининг ҳам эркинлигини чегаралаб қўяди. Шу маънода мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг кучайиб бориши бежиз эмас. Бироқ **бу манфаатлар йўлидаги эмас, балки демократия, қонун устиворлиги йўлидаги ҳамкорлик деб баҳоланиши лозим.**

Зеро, ҳуқуқий демократик давлатнинг, фуқаролик жамиятининг муҳим шартларидан бири суд мустақиллиги ва матбуот эркинлигидир. Яъни бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, ошкоралик ва жамиятда ўтказилаётган ислоҳотлар очиқлигини таъминлашда ифодаланади. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Юртбошимиз бу ҳақда алоҳида тўхталиб, мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устивор йўналишларидан бири сифатида эътироф этди.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ҳуқуқий онгига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоялайдиган қонун ва нормаларни, суд ҳокимияти қарорларини ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек кенг миқёсли ўзгаришлар тарғиботини "тўртинчи ҳокимият"нинг фаолиятисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабат икки масалада алоҳида ўрин тутади:

биринчиси, судларнинг транспарентлиги, маълумотлардан эркин фойдаланишни таъминлаш бўлса,

иккинчиси, (оммавий ахборот воситаларининг мақсади жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилганлигини инобатга олсак) журналистлар томонидан суд жараёнига аралашувга йўл қўймаслик, суд қарорига таъсир этувчи салбий ҳолатларнинг олдини олиш. Масаланинг назарий жиҳатдан мураккаблиги шундаки, бир вазифанинг бажарилиши иккинчисининг бажарилишини хавф остида қолдиради.

Албатта, бу ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммоларни вужудга келтиради. Чунки айни шу масалада амалиётчилар ва назариячилар икки хил фикрда. Баъзи олимлар ОАВ суд органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши зарур, деб ҳисобласа, бошқалари суд фаолияти устидан ҳеч ким назорат ўрнатиши мумкин эмас, чунки ҳар қандай назорат суд мустақиллигига раҳна солади, деган фикрни билдиришади.

Ҳар икки фикрни ҳам инкор этмаган ҳолда, мавжуд муаммони бартараф этиш борасида баъзи мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз. Бизнингча, оммавий ахборот воситаларининг суд маълумотларидан фойдаланишлари суд органларининг фаолиятини фуқаролик назорат қилишнинг шакли бўлибгина қолмай, бундан фойдаланиш эркинлиги суд хатолари эҳтимолини камайтиради. АҚШда чоп этиладиган "Журналистлар ва ҳуқуқшунослар" журналининг 1976 йил 2-сонида таниқли журналист ва ҳуқуқшунос Х. Симонс ва Д. Калифано ўз мақоласида бундай ўзаро ҳамкорлик зарурлигини қуйидагича асослаганлар: "Суд қарорларини қўллаб-қувватлашнинг асоси инсонлар ҳисобланади. Шундай қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг энг самарали усули оммавий ахборот воситаларидир".

Суд фаолиятига оид маълумотлардан оммавий ахборот воситалари вакилларининг эркин фойдаланиши демократик жамиятнинг долзарб масалаларидан бири. Шу боис демократия қарор топган илғор ғарб давлатларида судлар транспарентлигига алоҳида эътибор қаратилади. "Транспарентлик" умумжаҳон ҳуқуқий атамашунослигида одил судловнинг очиқлиги, ошкоралиги ва оммавийлигини англатади. Одил судловнинг транспарентлиги эса шунчаки истак эмас, балки халқаро ҳужжатларда белгиланган талабдир. Бу вазифани фақат ОАВ орқали амалга ошириш мумкинлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Журналист томонидан суд жараёнларининг ёритилиши, аввал амбор, айбсизлик презумпциясига амал қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва обрўсини муҳофазалаш, судьялар мустақиллигини такомиллаштириш зарурлиги билан чегараланган ўзига хос хусусиятга эга.

Биринчидан, суд ишларининг очиқ юритилиши конституциявий тамойили суднинг хатоларга йўл қўйиш эҳтимолини пасайтирувчи, иш ҳужжатларини текширишда ҳуқуқнинг моддий ва процессуал нормаларига аниқ амал қилишнинг кафолати сифатида хизмат қилади.

Иккинчидан, суд ишларининг очиқ юритилиши ва суд қарорларининг оммавий тарзда ўқилиши – фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш ва цивилизациялашган ҳуқуқий онгини шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Учинчидан, суд органлари фаолияти устидан фуқаролик назорати — ҳуқуқий демократик давлатнинг зарур шартидир.

Буларнинг барчаси, кенг жамоатчиликка суд тўғрисида объектив маълумотга эга бўлиш имконини бериш билан бирга, унинг халқ орасида ҳокимият тармоғи сифатида обрўсининг ўсишига, натижада мустақиллигининг мустаҳкамланишига замин яратади.

Энг муҳими, суд тўғрисида бўлар-бўлмас гап-сўзларга чек қўйилади. Одамларда судга нисбатан ишонч уйғотади. Фақат кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланган суд ҳокимиятигина ҳақиқий мустақилликка эришиши мумкин.

Лекин судда оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи нормаларнинг йўқлиги бу борадаги ошкораликни сустлаштиради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасига асосан қонунда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, судда ишлар ошкора юритилади, демак, журналистлар ҳар қандай суд жараёнида иштирок этиши мумкин.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

# СУД МУСТАҚИЛЛИГИ ВА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ

Бироқ амалдаги процессуал қонунчилик (ЎзР ЖПК 375-модда) ОАВ вакилларини иш ҳужжатлари билан танишиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасига киритмайди, яъни судья ОАВ вакилларини процессга қўйиш ёки қўймаслиги мумкин, қўйган тақдирда эса уларнинг ҳаракатларини чеклаш ҳуқуқига эга (аудио ёки видео тасмага туширмаслик) ва ҳ.к.

Аммо шу ўринда журналист томонидан суд жараёнларининг ёритилиши, авваламбор, айбсизлик презумпциясига амал қилиш ҳақида икки оғиз сўз. Юридик атамашуносликда "деформация" деган тушунча мавжуд бўлиб, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва обрўсини муҳофазалаш деган маънони англатади. Яхши биламизки, инсон шаъни, қадр-қиммати конституциявий кафолатлар билан мустаҳкамланган олий қадрият саналади. Тўғри, сўз ва матбуот эркинлиги ҳам бош қомусимизда белгилаб қўйилган. Бироқ жоиз бўлганда инсон шаъни ва қадр-қиммати масаласи сўз ва матбуот эркинлигини ҳам маълум маънода чегаралаб қўяди. Журналист суд жараёнларини ёритаётган чоғда асло буни эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. Ҳатто айрим демократик давлатларда шахснинг фикрини, суратини унинг розилигисиз ОАВда чоп этиш таъқиқланади ва бу унинг фото ҳуқуқи ҳисобланади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ОАВ судлар фаолиятини ёритишни яхшилаш учун кўп нарса қилиши мумкин.

Биринчи навбатда, ОАВ судларни ўзига хос институт сифатида тан олиши ва шунга муносиб равишда суд фаолиятини ёритиши зарур. Газеталар доимо қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларни институционал масалалар ҳал қилиниши тўғрисида гапириб ўтадилар. Судлар фаолиятининг институционал соҳаси масалаларида эса ОАВ маълум ҳодиса жамиятда номувофиқ келганда "ташланадилар". Шу билан репортёр ва бош муҳаррирлар ўзига нотаниш соҳага киради ва бу ерда етарли даражадаги тайёргарликка эга бўлмаганлиги панд бериб қўяди. Натижада масаланинг муҳим жиҳатлари очилмай қолади. Яъни судлар фаолияти тўғрисида фикр юритиб, бугун кўрилаётган ишлар ёки кеча чиқарилган қарорлар тўғрисида қисқа маълумотлар бериш ножоиз. Ҳар бир суд процесси – ўзига хос ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса ва ОАВ шу нуқтаи назардан масалага ёндашиши лозим бўлади.

Журналистлар баъзан ўз чиқишларида ҳуқуқий билимларининг зарур ҳажмга эга бўлмасдан, ўқувчини, тингловчи ёки томошабин фикрини нотўғри тарафга йўналтириб, ҳуқуқий онгни бузувчи, юридик ваколатга эга бўлмаган фикр ва баҳоларни билдиради, шу тариқа суд мавқеини пасайтирувчи, суд ва судьяларга нисбатан асоссиз ва ноўрин сўзларни ишлатади. Шунинг учун ҳам муҳаррирлар журналистларнинг ҳуқуқий масалаларга ихтисослашувига барча имкониятларни яратиб бериши, журналистика факультетларида ҳуқуқ журналистикаси бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилиши, ҳуқуқий соҳада қалам тебратадиган журналистларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида муайян ишларни амалга ошириш, олий таълим муассасалари магистратурасида "Суд-ҳуқуқ журналистикаси" мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш бугунги кунда катта аҳамият касб этади.

Яна бир гап. Журналистлар суд тизими ва судьялар бошқа ҳокимият бўғинлари томонидан қўлланиладиган ёки улар билан таққослаганда одатий бўлмаган нормаларга асосланишини англашлари лозим. Хизмат вазифаси маълумотларни излаб топишдан иборат бўлган журналистлар маълум чекловларга дуч келишлари табиий ва буни тушуниши лозим.

**Хўш, бу муаммони қандай ҳал этиш мумкин? Бизнингча, бу борада матбуот хизматининг фаолиятидан самарали фойдаланиш зарур. Шу боисдан ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ судларда матбуот хизматлари ташкил этилди.**

Америкалик Маргерит Х. Салливаннинг фикрича, матбуот хизмати икки асосий вазифани бажаради. Улар ОАВ билан муносабатда бўлиб, ўзи ишлаб турган идора фаолият йўналишини тушунтиради, унинг адвокати ролини ўйнайди. Улар хато ахборотни тузатишади ҳамда мавжуд ахборотнинг тушунилиши ва талқинини осонлаштиришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга репортёрларнинг талаб-эҳтиёжларини, дейлик, раҳбарлар муҳокама қилишга тайёр, ҳатто тайёр бўлмаган мавзуда репортаж ёзиш истагини ўз раҳбарига етказиб, унинг олдида ОАВнинг адвокати бўлиши ҳам мумкин.

Сўз ва матбуот эркинлигининг конституциявий тамойилидан келиб чиқсак, ҳар бир шахс, жумладан, журналист исталган вақтда, исталган ташкилотдан маълумотлар сўраб олиш ҳуқуқига эга. Журналистларнинг саволларига матбуот хизмати томонидан "бизда бундай маълумотлар йўқ" ёки "бундай маълумотларни бера олмайман" қабилида жавоб қайтариш қонунга зид ҳаракатдир. Бу эса ўз-ўзидан информация очиқлигини-судлар транспарентлигини англатади.

Оммавий ахборот воситаларида ҳамонки нотўғри маълумотлар чоп этилаётган экан, демак, матбуот хизмати журналистларни етарлича информация билан таъминлай олмаган.

Ҳолатни баҳолаш мақсадида халқаро тажрибага мурожаат қиламиз.

Германияда суд фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралиги принципига риоя қилиниши мантиқ жиҳатидан, суд жараёни ва унинг натижаси халқ назорати остида амалга оширилиши лозим, деган қоидага қатъий амал қилишдан келиб чиқади.

АҚШ Олий суди 30 йил давомида чиқарган қарорлари моҳиятини журналистларнинг тушунишига ёрдам беришда қуйидаги амалиётдан фойдаланади: уларга ушбу қарорнинг резюмеси тақдим этилади. Унда ишда фойдаланилган, қарор чиқаришда суд асосланган процессуал ва асосий нормалар шарҳланади. Бундай резюмелар матбуот бўлимининг етук мутахассислари томонидан тузилади. Маълумотнома нашриётдан чиқарилишига қадар қарор матнини ёзган судья томонидан текширилади.

Англияда суд қарорлари тўпламлари чоп этилади. Махсус нашрлар орқали халққа ҳисоботлар бериб турилади. Бу ишдан ҳатто хусусий нашрлар ҳам четда эмас.

Канада Олий судида суд раиси қошида ҳуқуқий масалалр бўйича бош котиб лавозимини бажарувчи "ижро этувчи қонун вакили" ОАВни суд томонидан чиқарилган қарорлардан доимо хабардор қилиб туради. У қабул қилинган қарорларга баҳо бермасдан, чиқарилган қарор моҳиятини тушунтириши, саволларга жавоб бериши, шунингдек, суд томонидан амалга оширилган ишнинг аҳамиятини тушунтириши мумкин. Шуниси қизиқки, Канадада ижро этувчи қонун вакили кўрилаётган иш бўйича келиб чиққан саволлар бўйича ишни кўришдан ва қарорни ўқишдан олдин матбуот конференцияси ўтказиши мумкин. Лекин барча маълумотлар тасмага ёзилмаслик шарти билан тақдим этилади. Журналистлар ушбу маълумотлардан расмий маълумот сифатида фойдаланмаслиги керак.

**Олимжон ЎСАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот котиби**

(Давоми бор)

Сарҳисоб

# «ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ» ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Ўзбекистон ТВнинг ҳамма дастурларида "Ўзбектелефильм" маҳсулотларининг ойлик намойиши давом этмокда. Мазкур ойлик давомида студияда яратилган мусиқий, ҳужжатли илмий-оммабоп фильмлар, фильм-спектакллар намойиш этилади. Мухбиримиз Темур СУЛТОНОВ "Ўзбектелефильм" студияси бош директори Мирзааҳмад ОЛИМОВга студия фаолияти, қилинаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришини сўраб мурожаат қилди.**

— Аслини олганда, гап фақат қилинган ишнинг ҳажмида эмас, сифат ва мазмун ўзгаришларидадир. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ студия жамоаси қатағон қурбонларига оид ҳужжатларни кино тасмаларига тезроқ тушириб қолишга ҳаракат қилди. Дастлабки йиллардаёқ "Чўлпон" (1991), "Ҳамид Сулаймон" (1991), "Абдурауф Фитрат" (1992), "Академик Ҳабиб Абдуллаев" (1992) каби ҳужжатли фильмларнинг яратилгани фикримизнинг далилидир. Қизил империя даврида номлари таъқибда бўлган, мустақиллик йиллари юзага чиқарилган аждодларимизнинг тимсоллари ҳам аста-секин жонлантириб борилди. Бунга мисол қилиб "Баҳоуддин Нақшбанд" (1993), "Мирзо Улуғбек" (1994), "Зангиота" (1995), "Амир Темур" (1996), "Абдухолиқ Ғиждувоний" (1997), "Имом ат-Термизий" (2001), "Жалолиддин Мангуберди" (2001) каби фильмларни келтириш мумкин.



Тарих, табиат, жуғрофиядан билим берувчи, инсон тафаккури, тасаввурини кенгайтирувчи телефильмларнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан юксала боргани, айниқса, қувонарлидир. "ЎзДЭУ Асака" (1996), "Нурота. Буюк ипак йўли", "Асака. Буюк ипак йўли" (1996) каби ҳужжатли фильмлар, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қорақалпоғистон, Хива, Водил, Чортоқ, Яккабоғ ва бошқа тарихий масканлар ҳақидаги илмий-оммабоп, ҳужжатли фильмлар бу фикримизга далил бўла олади.

Ҳужжат, тасвир — аслида ижодкор тафаккури, тасаввуридан ўтган ҳаёт кўзгуси. "Ўзбектелефильм"да яратилаётган ҳужжатли фильмлар юртимиздаги ўзгаришлар, янгиликлар кўзгусига айлана борганлигини "Қимматбаҳо қоғозлар" (1997), "Ўзбекистон олтини" (1998) каби телефильмларда кўрамиз.

Студия маҳсулоти бўлган "Адолат манзили" (4 қисм), "Меҳробдан чаён" (15 қисм), "Чархпалак" (20 қисм), "Қайтмас" (6 қисм), "Боғ" (7 қисм), "Лафз" (7 қисм), "Увайсий" (6 қисм), "Менинг шотландиялик дўстим" (3 қисм), "Қуёш ботмайдиган юрт" (5 қисм), "Очиқ дарс" каби бадиий фильмларни ҳам томошабинлар унутмаган бўлсалар керак.

Бундан ташқари, "Музаффар" (2 қисм), "Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари", "Эркатой" каби бадиий фильмлар, "Маҳалла — юрт таянчи", Шўртан-Шеробод газ қувурининг қурилиши ҳақида "Келажакнинг ёруғ йўли", ғалла мустақиллиги учун кураш йиллари ҳақида "Тўкинлик", яқин тарихимиз ва бугунимиз ҳақида "Миллий Университет", "Мусиқа саройи" каби қатор-қатор ҳужжатли фильмлар ҳам ишланганки, ойлик давомида телетомошабин эътиборига булар ҳам намойиш этилади.

**— Шу кунларда қандай фильмлар яратилмокда?**

— "Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида" деб номланган тўлиқ метражли ҳужжатли фильм ишланмоқда. Бу фильмда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни кўрсатилади. Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизга эга бўлишимиз халқимиз учун жуда кенг имкониятлар эшигини очди. Фильмда шу йўлда қилинган ишлар ҳақида сўз боради.

Шу билан бирга "Самарқанд", "Қаландар бахши", "Кулолчилик" каби мавзуларда ҳамда республикамиз музейлари ҳақида ҳам қатор фильмлар яратилмоқдаки, улар ҳам киномухлисларда қизиқиш уйғотса, ажаб эмас.

**— Раҳмат. Студиянинг келгуси ижодий фаолиятида муваффақиятлар тилаб қоламиз.**

## Ҳикмат:

*Ўз руҳини бўйсундирган киши шаҳарларни забт этган кишидан ҳам кучлидир.*

**Э. Хемингуэй**

Изҳор

# "HURRIYAT"ДАН МИННАТДОРМИЗ!

### *Икки йилдан буён давом этаётган можарога хўжалик суди нуқта қўйди*

Ассалому алайкум, "Hurriyat" таҳририяти ходимлари!

Ушбу хатни ёзишдан мақсад, сизларга миннатдорчилик билдириш истагимиздир. Сабаби, бизнинг мулкий ва конституцион ҳуқуқларимиз қўпол равишда бузилиб, яъни биз томондан 1997 йилда сотиб олинган "Пойтуғ" ОАЖ акцияларининг олди-сотди шартномаси ноқонуний бекор қилингач, оворaю сарсон бўлиб қолдик. Ўша вақтда бизнинг арзимизга қулоқ солиб, чуқур, ҳар томонлама текшириб, ўз газетангиз орқали бизнинг бузилган ҳуқуқларимиз тўғрисида танқидий чиқишлар қилдингиз. Сизларнинг бу ҳаракатингиз бизга давлатимизда ошкоралик ва демократиянинг ривожланаётгани ҳамда ҳар бир шахс ўз ҳуқуқи учун курашишига кенг йўл очилганлигини кўрсатиб, адолатга ишониш ҳиссини оширди. Бизнинг арзимизни хўжалик судлари ҳамма босқичда кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Суди 2003 йил 4 июнда ўз қарори билан охирги адолатли нуқтани қўйди, яъни бизнинг мулкка бўлган ҳуқуқимиз тикланди. Бу эса Юртбошимизнинг ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари билан судлов тизимида ўтказилаётган ислоҳотларнинг ижобий ҳосиласидир. Шунингдек, Юртбошимизнинг тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кўрсатаётган ғамхўрлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Халқпарвар Юртбошиси, адолатли қонунлари, одил судлови ва демократик матбуоти бор экан, бундай юрт тадбиркорларининг ҳуқуқларини ҳеч қандай бюрократ ва таъмагир амалдор буза олмаслигига ишонамиз.

Сизларга эса бизнинг ҳуқуқлариимз тикланишида қилган меҳнатларингиз учун каттадан-катта муваффақиятлар тилаб, миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

**"МТМ" илмий ишлаб чиқариш кичик корхонаси номидан**
**Т. Х. ҚОДИРОВ**
***Андижон, Избоскан тумани***

**ТАҲРИРИЯТДАН**: Танқидий мақола бесамар кетмагани қандай яхши! Агар бир мавзуда икки-уч бор чиқиш қилиб, эвазига эътирофдан кўра эътироз эшитиб, бошинг турфа дакки-маломатларга қолиб юрган бир паллада юқоридаги мактуб кимга қувват бермайди, дейсиз? Ахир, бу газетанинг, матбуотнинг юзи эмасми?

Рости, "Hurriyat" саҳифаларида Избоскан туманидаги "Пойтуғ" очиқ акциядорлик жамиятидаги муҳит, мутасаддилар томонидан йўл қўйилаётган қонунбузарликлар, натижада юзлаб акциядорларнинг ҳуқуқлари поймол этилаётгани ҳақида бир неча бор чиқишлар қилинди. Юқоридаги мактуб муаллифи – мулкий ҳуқуқлари поймол этилган акциядорларнинг биттаси, холос.

Қонунни топтаб, ўзбошимчаликни касб этиш натижасида ҳатто айрим қонуний акция эгаларининг "Пойтуғ" ОАЖга киришларини тақиқлаб, судда ҳаққоний кўргазмалар берган яна бир ишчи хизматини тазйиққа олган жамият бошқаруви, ваколати аллақачон тугаганига қарамай, юмшоқ курсисига ёпишиб олган Кузатув Кенгаши раисасининг, аввало, мулк эгалари – "Пойтуғ"нинг юзлаб акциядорлари олдида, қолаверса, қонун олдида ҳисоб берадиган вақти ҳам етиб келгандай... Ажабмаски, яқин орада "Пойтуғ"нинг юзлаб акциядорлари икки йилдан буён ололмай келаётган қонуний ҳақлари – дивидентлар ҳисоб-китоби амалга ошиб, рўзғорларига барака кирса... Ахир шу қисқа вақт ичида акциядорлик жамиятлари фаолиятини яхшилаш, бунинг учун аввало бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, акциядорлар ҳуқуқи, кафолатларини мустаҳкамлаш борасида Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан қатор халқчил Фармон ва қарорлар чиқарилди... Қани, бундай халқчил ҳуқуқий актларнинг "Пойтуғ"даги ижроси нечоғли?

Бу каби саволларга жавоб топиш учун "Пойтуғ" ОАЖнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиб, икки йилдан буён ўринли-ўринсиз сабабларга кўра мутасаддиларнинг акциядорлар олдида ҳисобот бериши масаласи нима учун пайсалга солиниб келинаётгани, корхонанинг молиявий аҳволи нечоғли экани, даромаду буромад қандай эканига ойдинлик киритилса, кифоя.

Чамаси, бундай тадбирлар осонликча амалга ошмайди, чоғи... Нега десангиз, судда адолат қарор топиб, акциядорларнинг мулкий ҳуқуқлари тиклангач, шу йилнинг 28 октябрида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилганди, бунинг учун Давлат Мулк қўмитаси Андижон вилоят бошқармаси томонидан ташкилий ишлар амалга оширилиб, ҳатто бошқарма бошлиғи жамият раиси Шукур Қурбоновга йиғилиш ҳақида бир ой аввал махсус хат йўллаб, навбатдан ташқари умумий йиғилиш қачон ва нима учун ўтказилаётгани, кун тартибидаги масалада жамият раҳбари ҳисоботи ҳам борлигини билдириб, бу ҳақда акциядорларни бохабар қилиш лозимлигини билдирганди...

Амалда нима бўпти, денг.

Қонунни менсимасликми ёки акциядорлар олдидаги масъулиятдан қўрқувми ёхуд очиқдан-очиқ лоқайдликми – ким билсин, бошқарув раиси Ш. Қурбонов зиммасига юклатилган вазифани бажармади; ҳисоботини ҳам тайёрламади, энг ёмони акциядорларга бу ҳақда "чурқ" этилмагани оқибатида кўпчилик ишхонада қолиб кетди, қоғозда собиқ, амалда содиқ Кузатув Кенгаши раисаси Манзура Аҳмадалиева ҳам йиғилишга келмади, бошқарув раиси ва бош ҳисобчи тадбир ўтказиладиган жойда ҳозир бўлишса-да, тегишли тартибда рўйхатдан ўтмай кворум тўпланмаслигига ўзига хос "ҳисса" қўшиб юборди гўё...

Ҳақиқат чала бўлмайди, акциядор олдидаги ҳисоботдан, демакки, Қонун, Президент Фармони талабларидан "Пойтуғ" амалдорлари қочиб кетолмайди, албатта. Ана, Қонундан қочиб бўлганида жамиятнинг «саҳна ортидаги раҳбари» Абдуғаффор Аҳмадалиев қутулиб қолган бўларди. Ахир, уй-жой қуриш учун бор-йўғи беш сотих ер илинжида фуқаролар йиллаб навбат кутиб турган бир паллада ўзбошимчалик билан 20 сотих ерни эгаллаб олиб уй қуришнинг ўзи бўладими, унинг ёнига А. Тиллабоев номли ширкат хўжалигининг 45 сотих ер майдонини бетон девор билан ўзбошимчалик ила ўраб олиш-чи?! Ёхуд Избоскан туманидан ўтган Фарғона канали бўйидаги салкам 80 сотихли ҳашаматдор дала-ҳовлини бор-йўғи 30 (ўттиз) минг сўмга баҳолаб, ўғли номига "олди-сотди" қилиш учун аввало виждон-инсоф, қолаверса, отнинг калласидек юрак керакмасми?! Узр-ку, ўттиз минг сўмга бозорда тузукроқ тўртта товуқ бермайди...

"Пойтуғ" ОАЖ маблағи ҳисобидан маҳалла гузари қуриб, мазкур маскан акциядорлик жамияти баланс ҳисобида турган бўлсада, ҳеч қандай сабаб ва оқибатсиз унга ўз отасининг номини қўйиб юбориш учун инсонда аввало маънавий ҳуқуқ бўлиши керак эмасми?!

Дарҳақиқат, шу ва шунга ўхшаш кўплаб (!) ўзбошимчаликлар маҳалла, раият кўз ўнгида содир бўлгандики, буни кўрган эл-улусда адолатга, ҳақиқатга нисбатан ишонч қолади дейсизми? Йўқ, бу ўзбошимчаликларга гувоҳ инсонлар энди қонун тантанасининг гувоҳибўлишмоқда: ана, яқинда ғайриқонуний эгалланган ерлар қайтарилаётган жараёнда М. Аҳмадалиева маҳаллий ҳокимият вакилларига кескин қаршилик қилиб, одоб доирасидан четга чиққани учун туман мутасаддилари томонидан унинг қонун олдида жавоб беришини кун тартибига қўйилиши ва ҳоказо-ҳоказолар ҳақиқат деганлари бир сиқим ҳамёнга айланиб, бировнинг чўнтагига тушиб қолмаганини кўрсатмайдими?!

Афсус

# ХАЛҚ МУЛКИГА ХИЁНАТ

Назорат-тафтиш идоралари жойларда, муассаса ва ташкилотларда давлат бюджетининг сарфланишини назорат қилади. Камомадларга йўл қўяётган ташкилотлар фаолиятини ўрганиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этади, жарималар ундиради. У шундай давлат ва халқ аҳамиятига молик иқтисодий-ижтимоий, тарихий вазифани бажаради. Бу билан келажакка, мамлакат тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади.

Қашқадарё вилояти Назорат-тафтиш бошқармаси ҳам хайрли ишлар қилаяпти. Бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Бошқарма томонидан ўтган вақтда кўрилган чора-тадбирлар туфайли аниқланган моддий зарардан 45.0 фоизи ундириб олинди. 82 тафтиш ҳужжати ҳуқуқий баҳоланиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди. Молия вазирлиги қошидаги жамғарма маблағларининг мақсадли харажат қилиниши юзасидан 35 ташкилотнинг текшириш материаллари адлия органларига берилди. Бюджет интизомига риоя этилиши юзасидан жойлардаги молия бўлимлари, бюджет муассасалари ва тижорат банклари билан ҳамкорликда мониторинглар ўтказилди. Мониторинг натижалари бўйича вилоят назорат-тафтиш бошқармаси ҳузуридаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш комиссияси қарори билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175-2-моддаси 1-қисмига асосан бюджет интизомини бузганликлари учун 60 нафарга яқин мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 бараваригача жарима қўлланилди. Шу модданинг 2-қисми билан 45 тижорат банкининг 49 мансабдор шахси ҳам жаримага тортилиб, 3757.9 минг сўм давлат фойдасига ҳал қилинди. Бюджет интизомини йил давомида икки маротаба бузган 20 банкнинг 20 нафар мансабдор шахсига нисбатан республика Жиноят кодексининг 184-1-моддасига асосан текшириш материаллари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилди.

Қарши шаҳридаги 5-касб-ҳунар мактабининг 2000 йил 1 январидан 2002 йил 1 январигача харажатлар сметасининг ижроси ўрганилганда, мактаб директори Қ. Қиличов ва бош ҳисобчи Ф. Алаевлар томонидан бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланишда молия интизоми бузилганлиги маълум бўлди. Талабаларга бир ой учун икки мартадан стипендия ёзилиб, 423 ҳолатда 581.0 минг сўм ошиқча тўланган. Мактабни битириб кетгач, боқувчисини йўқотган 17 нафар ўқувчи номига 681.4 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ноқонуний харажат қилинган, 2 ёшгача бўлган бола парваришида бўлган 2 нафар онага 8.3 минг сўм нафақа пули ошиқча тўланган. Корхона, ташкилот ва муассасалар билан бўлган ўзаро алоқалар бўйича 2808.9 минг сўм муддати ўтган дебитор қарзнинг пайдо бўлишига йўл қўйилган. Тафтиш материаллари айбдор шахсларга чора кўриш учун Қарши шаҳар прокуратурасига тақдим этилган. Шундай қонунбузилишларга йўл қўйилгани учун суднинг ҳукми билан айбдор шахслардан 4 таси 6546.0 минг сўм жаримага тортилган.

Деҳқонобод туман марказий шифоатхонасининг 2000 йил 1 майдан 2002 йил 1 июнгача бўлган харажатлар сметасининг ижроси юзасидан тафтиш ўтказилганда, шифоатхонанинг бош ҳисобчиси Р. Раҳимов хазиначининг имзоларини сохталаштириб, ҳар ойнинг охирида хазинада қолдиқ бўлиб қолган нақд пулларни сунъий равишда камайтириб, 4585.0 минг сўмни ўзлаштирган. Ундан ўзлаштирилган маблағ ундирилиб, республика ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «б», «в» бандлари билан жиноят иши қўзғатилган.

Туман марказий шифохонасига қарашли, лекин алоҳида ҳисоб рақамга эга бўлган қишлоқ врачлик пунктларининг шу даврдаги молия хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш ўтказилганда, бу муассасалар раҳбарлари томонидан бюджетдан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича мутлақо назорат олиб борилмагани аниқланди. Моддий жавобгар шахслар ҳисобидаги пул маблағлари ва моддий қимматликлардан катта миқдорда камомад ва ўзлаштиришлар содир этилганлиги маълум бўлди. Ходимларга иш ҳақи, нафақа ва сафар харажати тўловлари ошиқча ҳисобланиб, уларга маошлар ҳисобидан берилган бўнак (аванс) пуллар иш ҳақини ҳисоблаш карточкаларига қайд қилинмаган. Пудратчи ташкилотлардан бажарилмаган таъмир ишлари ҳажми нотўғри қабул қилиниб, асоссиз равишда уларга бюджет маблағи ҳисобидан ортиқча ҳақ тўланган. Хусусан, шифохонанинг бош ҳакими Х. Жўраев, бош ҳисобчи Н. Ҳамроев ва бош иқтисодчиси О. Баратовлар айби билан 53 нафар моддий жавобгар шахс ҳисобида бўлган пул маблағлари ва моддий қимматликлардан 332.5 минг сўм камомад содир этилган. Шифохона ходимларига иш ҳақи, нафақа ва сафар харажати ошиқча ҳисобланган. Ушланмай қолинган ва пудратчи ташкилотлар томонидан шифохонада бажарилган таъмирлаш ишлари ҳажмига асоссиз қўшиб ёзилган. Булар тафтиш даврида аниқланиб, айбдорлардан 4083.3 минг сўм камомад ҳамда ноқонуний харажатлардан 967.6 минг сўм ундириб олинган. Нафс балосига йўлиққанлар устидан ЖК 167-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Нишон туман марказий шифохонасининг 2 йиллик молия хўжалик фаолияти тафтиш қилинганда, бош шифокор С. Эркаев ва бош ҳисобчи Н. Азимовлар томонидан ходимларга бир давр учун икки мартадан иш ҳақи ҳисобланиб, сафар харажати ошиқча тўланганлиги аён бўлди. Пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳажмига қўшиб ёзишлар, ҳақиқатда ётмаган беморларга озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажат қилишлар ҳамда моддий жавобгар шахслар ҳисобида бўлган пул маблағларидан ва моддий жавобгар шахслар ҳисобида бўлган пул маблағларидан ва моддий қимматликлардан камомадлар содир этилганлиги ҳам назоратчилар назаридан четда қолмади. Аниқланган моддий зарарнинг 220.9 минг сўми ундирилиб, текшириш харажатлари якуни суд ҳукмига ҳавола этилган.

Худди шундай Қарши туман халқ таълими бўлими (мудир Б. Мавлонов, бош ҳисобчи А. Темиров), Ғузор туманидаги «Гулистон» (раис О. Омонов), «Шерали» (раис А. Назаров) қишлоқ фуқаролар йиғини, Миришкор туманидаги иқтисодиёт касб-ҳунар лицейи (директор — Ш. Хонкулов) сингари ташкилотлар тафтиш қилинганда ҳам жуда катта миқдордаги ўзлаштиришлар аниқланди. Текширишлар таҳлил қилинганда, бир умумий манзара кўзга ташланаяпти: асосий моддий жавобгар ҳисобланмиш (бош) ҳисобчилар бошлиқнинг марҳаматидан эриб кетиб, жавобгарликни унутиб қўймоқдалар ва билиб ё билмай жиноятга қўл ураяптилар. Шундай мулоҳаза тутсак: балки ҳисобчилар масъулиятини оширувчи талаблар қўллаш, улар жавобгарлигини кучайтириш лозимдир. Бундай масъулиятсизликлар эса кўплаб топилади. Жумладан, Қарши шаҳридаги Республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Қарши филиалининг 2000 йил 1 январдан 2002 йил 1 декабргача молия хўжалик фаолияти тафтишдан ўтказилганда, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари К. Ғайбуллаев ҳисобидаги моддий қимматликлар, қурилиш материалларидан 8354.6 минг сўмлик камомадга йўл қўйилган. Филиалдаги бу қонунбузарликлар билан ҳозирги пайтда вилоят прокуратураси шуғулланмоқда.

Қашқадарё «Вилоятматлуботсавдо» акционерлик компаниясига қарашли Шаҳрисабз туманидаги 4 нафар моддий жавобгар шахс қурилиш материалларини талон-тарож қилганлиги сабаб 113437.5 минг сўмлик камомад келиб чиққан. Бажарилган қурилиш таъмирлаш ишлари ҳажмига қўшиб ёзилиб, натижада лойиҳадаги нарх ва коэффициэнтлар қиймати ошиб, 46028.9 минг сўм бюджет маблағи асоссиз совурилган.

«...Марказлаштирилган ва бюджет манбалари ҳисобланган молиялаштирилаётган объектларни қуришга доир пудрат ишларини бажаришда смета нархларини, қурилиш монтаж ишлари ҳажмини сунъий тарзда ошириш ҳоллари кўпроқ учрамоқда. Амалда бу соҳада коррупциялашган бир тизим пайдо бўлдики, айрим қурилиш ташкилотлари бинокорлик материалларини тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан эмас, балки пудратчи ташкилотлар раҳбарларининг қариндош-уруғи ёки танишбилиши бўлган учинчи шахс-воситачилардан сотиб олмоқда». Президентимизнинг ушбу сўзлари орқали танқид қилинган кимсалар эл ризқини туя қилишдан қачон чарчайдилар?!

**Рўзибой ЧОРШАНБИЕВ,**
**Қашқадарё вилояти Назорат-тафтиш бошқармасининг бошлиғи,**
**Исмоил АМИРҚУЛОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**



***Исмоил Амирқулов Қашқадарё адабий-маданий ҳаётида фаол иштирок этиб келади. Узоқ йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимини бошқарган. Кўплаб нашр ва таҳририятларда самарали фаолият кўрсатаяпти. Уни яқиндан таниганлар доимо ҳақ тарафида турадиган, иллатларга нисбатан муросасиз ва курашчи инсон сифатида эътироф этишади. Исмоил Амирқулов яқинда "Hurriyat" мустақил газетасининг Қашқадарё вилоятидаги мухбири сифатида иш бошлади.***

## Арафа

# Кундуздан афзал КЕЧА



♦ ♦ ♦

РАМАЗОН ойининг фараҳбахш дамлари етиб келди, менимча. Бир томондан муборак ҳайит кунининг яқинлашаётганидан хурсандчилик, иккинчи томондан, шундай хосиятли, файзли айёмнинг тугаб бораётганидан маъюллик билан мусулмонлар ҳар бир дақиқани қаршиламоқда. Воқеан, "Лайлат-ул қадр" - "Қадр туни" юз оча бошлайди: худди шу фурсатларда милодий 609-610-йилларда Макка атрофидаги Ҳиро тоғидаги ғорда Рамазон ойини ўтказаётган, "таҳаннус" ибодати билан машғул бўлган Муҳаммад (с.а.в.)га "Ўқи" деган нидо келади ва фаришта Жаброил орқали "Алақ" сурасининг биринчи 5 ояти етказилади. Бу оннинг (кечанинг) фазилати ҳақида 97-"Қадр" сурасида шундай дейилади: **"3. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир"...**

♦ ♦ ♦

Лайлат-ул қадр ҳақида болаликдан биламиз. Ўша таъқиқ замонларида ҳам ота-оналаримиз Рамазон ойида бир кунни алоҳида ҳаяжон билан кутар эдилар. Дастлаб гўдакларча тасаввурда бу дамлар "Лайлак келадиган пайт" тариқасида муҳрланган. Кейинчалик мазмун теранроқ тушунтирилган: шу кечаси осмондан ерга шуъла тушади. Ким шуълани кўрса, ўша пайтдаги ҳар қандай тилаги ижобат бўлади. Ҳатто ўтирган ёғоч курсисини ушлаб тиллага айланиб қолишини сўраса ҳам шу истак амалга ошади. Табиий, сўнгра ҳар кимнинг аталган орзуси шаклланган. Исломий маданият руҳида тарбияланган оилаларда бундай нурафшон одатлар минг йиллар силсиласига уланиб кетган бўлган.

Бу муборак кунга эрталабдан ўзимни тайёрладим. Асосан, мутолаа, хусусан, Қуръони карим маъноларининг таржимасини ўқидим. Шу куни "Шўро", "Зухруф", "Дўхон", "Жосия", "Аҳқоф", "Муҳаммад", "Фатҳ", "Коф" сураларида Аллоҳ каломи билан учрашув насиб этди. Жумладан, "Духон" сураси шундай бошланади: **"1. Ҳо. Мим. 2. Аниқ Китоб (Қуръон)га қасамки, 3. Албатта. Биз уни муборак кечада нозил қилдик. Дарҳақиқат, Биз огоҳлантирувчидирмиз...".**

Агар хотирам панд бермаса, бутун китоб давомида бундай қайд учрамаган эди, уни 44-сурада, айнан "Лайлат-улқадр" бошланадиган кунда ўқишим ҳам менга бир илтифот — "Қуръон"нинг буюклигига яна бир далил бўлиб туюлди.

Албатта, ҳар бир инсон улуғ ниятлар билан яшайди, балки бу ниятлар ҳамманинг ўзига мос бўлур. ("Туя ҳаммомни орзу қилибди" деган гап бор). Пок ниятли одамларнинг истаги тинчлик, фаровонлик, соғ-саломатликдан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин?! Ниятлар эса доим ижобат бўлавермайди. Ҳа, инсонга чексиз хаёл ато этилган ва чекланган имконият берилган. Имконият эса, менинг шахсий хулосам шундайки, ҳар кимнинг ҳаракатидан зиёд бўлмайди. "Бўйингдан баланд сакрай олмайсан", деган гап рост. Қадр тунида ҳам инъомлар, мўъжизалар ҳаммага кўринавермас экан. Хусусан, кутган одамга эмас, ғофил бир бандага нимадир воқеъ бўлиши мумкин экан. Яна муфассирлар тасодифий инъомнинг хосиятига иккиланиб қараганлар, негаки, у бехос фитналарга сабаб бўлиши мумкин экан. (Ёдимга Қаршида ишлаганимда сотиб олган машинам, уни ушлаб қололмаганим тушиб кетди). Бироқ мўъжизаларга, илтифотларга кўз тутиб яшаш керак. Дунёнинг сирлилиги, яшашнинг қизиқлиги ҳам шундай нуқталарда билинади-да. Ҳатто инсон моҳиятининг бир қирраси, у ўзига қанчалик бино қўймасин, Аллоҳ, унинг бир инояти олдида заиф, ожиз экани, кўринмас бир лутфни кутиб, унга сиғиниб яшаши ҳам шу ўринда намоён бўлади.

"Пайғамбарларнинг ҳар бирига бир мўъжиза ато этдик ва бу мўъжизаларнинг даражасини ошириб бордик" мазмунидаги оятлар бор "Қуръон"да. Демак, Муҳаммад алайҳиссалом сўнгги пайғамбар саналсалар, Қуръони карим ҳам сўнгги мўъжиза ҳисобланади. Агар мўъжизалар (масалан, Мусога сеҳргарлик, Сулаймонга қушлар, ҳайвонлар билан гаплашиш, жинларга ҳукмдорлик, Исога ўликларни тирилтириш каби) ошириб борилган бўлса, "Қуръон" (китоб) энг сўнгги, буюк мўъжизадир. Одамзотга ато этилган буюк мўъжиза — Аллоҳнинг бандаларига инъом этган энг буюк тухфаси — Қуръони карим (китоб)нинг биринчи жумласи ерга етиб келган айёмда энг юксак орзуларни дилга жойлайлик: **"Эй, Аллоҳим! Сен ўзинг марҳаматлисан. Авф сўрашни ёқтирасан. Авфларимизни, тавбаларимизни қабул қилгин. Амалга ошмаган эзгу ниятларимизга ўзинг етказгин!"**

Агар ниятлар, орзулар ҳақида гап кетса, улар худди том бошига қўниб олган кабутарлардек кўп, бироқ бирини тилга олсанг, қолганлари қанот қоқиб учиб кетади. Қайси бирини тутиб қола оласан — тилга чиқарасан?! Булар — шахсий ҳаётда навбатини кутиб ётган режалар — китоблар чиқариш, янги гўзал нарсалар ёзиш, Ҳаж сафари, дунё бўйлаб саёҳатга чиқиш, тил ўрганиш.... Хуллас, минглаб орзулар. Уларнинг навбати билан амалга ошишида ўзинг куч-қувват ва умр бер, Аллоҳим!

Бугун улуғвор бир кун. Бугун инсониятнинг эзгу бир тилаги ушалган кун. Зеро, ўша дамлар шукуҳига ишониб, суяниб, сиғиниб сўралган эзгу тилаклар ҳам ижобат бўлғусидир.

♦ ♦ ♦

Кеча қадр тунининг шавқи билан ишхонага бордим, оёғим остидаги оппоқ қорни ҳам бу айёмнинг умидвор бандаларига Яратганнинг инояти, тухфаси деб билиб яна ҳайратландим. Бироқ менинг мутаассир ҳолатимга зид равишда бошқалар бепарво эди.

Аввало, соғ-омон шу кунларга етдик, Худога шукр. Албатта, ҳеч ким дунёда биров учун яшамайди ва охиратда биров учун жавоб бермайди — шу ҳолат Қуръони каримда жуда кўп такрорланган экан. Аммо қалбингиз эзгуликка ошно бўлгач, ҳамманинг, бутун дунёнинг тоза, мусаффо бўлишини дилдан истаб қолар экансиз. Эътибор берсангиз, бир тоифа нуқул ҳаётдаги нуқсонлардан нолийверади (бошқа тоифа эса бу ҳақда миқ этмайди). Ўша изтиробда яшаётган одамларнинг гапига қулоқ тутиш керак экан. Улар дил кўзгуси ойдин, эзгуликка ошно одамлар бўларкан. Дунёнинг тиниқ ёки лойқалиги ҳар бир томчининг тиниқ ёки лойқалигига боғлиқ эмасми? Аниқки, тиниқ томчилар босим бўлса, ўзанда тиниқ дарё оқади. Ва аксинча. Ўзи тиниқ бўлиб лойқа оқимга қўшила олмай турганлар, қўшилишдан ор қилаётганлар нидо берар эканлар...

♦ ♦ ♦

Бир нашрда очлик билан даволанишни йўлга қўйган Ғарб олимларининг тажрибаси ҳақида ўқиган эдим. Улар 28 кун ёки 38 кунгача рўза буюрар экан. 28 кунни ўзимча 7 кундан иборат 4 ҳафта деб тушундим (7 рақами ҳам, 4 рақами ҳам сирли). Бу муддат бежиз бўлмаса керак. Ўзимда шу давр ўтгач, кузатилган ўзгариш шу бўлдики, ошқозон тўла тозариб, янги цикл билан ишлай бошлади, чамамда. Тиниқиш, бадандаги тозаринишлар поёнига етди. Уйқу, уйғониш муддатлари барқарорлашди. Вужуднинг янги озуқа билан ишлаётганиданми, чарчоқ аломатлари сезила бошлади: кеча ва бугун саҳарликка туришда бир оз тайсаллаш сезилди. Тўғрисини айтганда эса рўза тутиш кўпам байрамона машғулот эмас (шунданми, атрофимизда тақводорлар унчалик кўп эмас, саҳарликка туриб қарасам, баланд уйларнинг чироғи кам ёнади — саҳарлик қилувчилар оз, айни ифторлик фурсатларида кўчада болалар пақиллатишни авж олдиришади. Жума куни эрталаб метродан чиқсам, 60 ёшларга бориб қолган ўзбек мардум маст бўлиб, кўчанинг юзида юрибди). У (рўза) кишидан анчагина ирода талаб қилади. Унинг қийноқлари ҳам етарли (қадимги Арабистонда ёз кунлари одамлар рўза тутиб, ҳам ишлаб, ҳушдан кетиб қолишларини ўқиган эдим). Фақат ихлос қилган одамгина бу синовларни енгиб ўта оларкан.

Шунингдек, рўза тутиш, бу — мажбурий очлик қийноғига солиш эмас, рўзанинг одобида оғиз ёпишдан очишгача дуолар ўқиб, ўзини тутиб юриш тайинланган. Ана шундай латифлик, ҳалимлик кун давомида кишига сингиб, ажиб бир латофат, фасоҳат пайдо қилади. Бир ой давомида кўплаб яхши қилиқлар одатга айланиб улгуради. Қийнаб, мажбурий очликка гирифтор қилинганда эса дарғазабликдан баданда ёқимсиз чирклар пайдо бўлиб, феъл-атворга ҳам, соғлиққа ҳам тескари таъсир кўрсатади. Рўзада ошқозон, меъда заифликлари ўзини тиклаб олса, мажбурий очликда бундай яралар очилиб кетади... Гўёки, бири — асал, бири — заҳар, лекин иккаласи ҳам бир хил кўринишда.

♦ ♦ ♦

Яқинда арафа, сўнгра — ҳайит! Бир ой давом этган кўнгил байрами шу тахлит поёнига етиб бормоқда. Назаримда, бу бир ой анча муфассал ва узоқ давом этди. Бу кунларни ҳаётимда биринчи марта ўзгача масъулият, ҳаяжон, интиқлик билан ўтказдим. Бу кунларнинг ҳар бири такрорланмас, шукуҳли эди ва ҳар бир кун қандайдир ёқимли хабар олиб келди. Шунинг учун ҳам бу давр хушёқар бир кайфият сифатида зеҳнимда яхлит ўрнашиб қолди. Албатта, бундай гўзал фасл билан хайрлашиш қийин эди, уни кузатар эканман, тез ўтиб кетганидан афсусланиб, дилимда бир соғинч билан қолдим.

*2002 йил, декабрь*

**Ҳаким САТТОРИЙ**

## Назм

# ОЛТИН ЯПРОҚ ОЙ ШУЪЛАСИДА



*Турсун Али таваллуди 1952 йил. Далв. Қува. Ҳаёт йўли: Қишлоқ. Тўлиқсиз мактаб. Тошкент. Ўрта мактаб. Дорилфунун. "Ўзбекистон маданияти" газетаси, Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти, "Чўлпон" нашриёти, "Ўзбекистон овози" газетаси, "Адолат" нашриёти.*

*Чоп этилган китоблари: "Зангори овоза", "Юракдаги сўзлар", "Ёруғ кунлар", "Изтироб остонаси", "Тун товуши", "Ёлғизим", "Уйғоқ сукунат", "Туйғулар ранги" номли сайланмаси.*

*Турсун Али табиат ва туйғулар шоири. Шоир тимсолларни, рангларни табиат манзараларидан олади. Табиат шоир руҳиятига бутун борлиғи билан кўчиб, шеър бўлиб қоғозга тўкилади.*

### Куз ранглари

*1.*
*Куз...*
*Шом.*
*Қарғалар қағиллар.*
*Юракни чўқийди*
*Аллақандай ғам...*
*2.*
*Оқшом оғушида*
*Сен томон боряпман,*
*Майсадай дилдираган,*
*Япроқдай сарғайган,*
*Эй, дилабгор аёл.*
*3.*
*Оқшом. Қунушган эркак йўл юрар.*
*Лабида тамаки тутайди*
*Тутундай бурқсийди ҳазин дардлари...*
*Ётолсайди соғ-омон,*
*Қанотлари кумуш тонг оғушига.*
*4.*
*Куз кечаси...*
*Мусичадай жунжикар бева аёл:*
*— Ўткинчидир барчаси...*
*Уни қийнайди,*
*Сочларидай чигал хаёл.*
*5.*
*Кеча.*
*Дарахтзор...*
*Олтин япроқ ой шуъласида*
*Чирт этиб узилар.*
*Юракка инади совуқ қалтироқ...*
*6.*
*Боғ. Рангпар майсалар оғушида,*
*Ҳакка чўқиган*
*Бағри қон олма ётади*
*Қумурсқага таланиб.*
*Оҳ, бу ҳол юракка ботади оғир.*
*7.*
*Куз ёмғири,*
*Шивалар маҳзун.*
*Томчилайди юракка томчи.*
*Руҳим осмонини*
*Қоплар талотум.*
*8.*
*Мезон шамолига*
*Очдим кўксимни.*
*Эвоҳ,*
*Сўндиролмади,*
*Ёнаётган юрагим тафтин.*
*9.*
*Куз қуёши қўридан*
*Илир бутун борлиғим.*
*Илитолмас фақат,*
*Совиган юракни*
*Илиқ сўзларинг.*
*10.*
*Намхуш ойдин...*
*Дўланадан кесилган новдага таяниб,*
*Боряпман сокин ҳайқириб.*
*Ана,*
*Оқ ридоли кундуз чорлайди олдда.*

### Куз руҳияти

*1.*
*Боғ...*
*Сарғайган япроқлар шивирлаб,*
*Юрагимни тилди пичоқдай.*
*Воҳ,*
*Вужудим титрайди кузги япроқдай.*
*Шу тоб,*
*Эшиги очилиб хотиротимнинг,*
*Кўзим оламига кирди аллаким.*
*У ким?...*
*Балки сен,*
*Балки ҳайҳотдай ўлим.*
*2.*
*Қабристон...*
*Заъфарон япроқлар бутоқдан узилиб,*
*Тупроққа қоришар оҳиста.*
*Яланғоч қўлларин ҳорғин чўзганча*
*Дарахтлар бурканар қиш кафанига*
*Воҳ,*
*Бу ҳолат, руҳиятим сувратига ўхшар нақадар.*

### Армон

*Кўнглимни итларга талатдим,*
*Қўлимни кимларга узатдим?...*
*Тангрим,*
*О!*
*Нимани тузатдим?!*

***

*Мен ухлаяпман,*
*Ухлаётган одамни*
*Фақат уйғотади шоирлар.*

***

*Қиш. Қорли сўқмоқ,*
*Оҳ, қандай оғир,*
*Бировнинг изидан юрмоқ.*

***

*Саҳар. Мен қайта тирилдим.*
*Йўл кўрсат.*
*Бор бўлсанг, эй, тирик одам.*

***

*Сенсиз кирдир оқ кунларим,*
*Сенсиз қорадир ойдин тунларим.*
*Сенсиз дунё эмас ёруғ дунё!*

***

*Тақиллатар эшикни шамол,*
*Нимагадир орзиқиб кетди,*
*Менинг ўжар юрагим.*

**Турсун АЛИ**

# Тафаккур

Янгилик қандай яратилади? Кимки олға юрмаса, у ортга кетади: бир жойда тўхтаб қолиш ҳолати йўқ.

**В. БЕЛИНСКИЙ**

Агар янгиликнинг нималигини аниқлаш ғоят қийин бўлса, бу унга зарурат йўқлигини билдиради.

**А. ВОВЕНАРГ**

Савол аломати ҳар қандай фаннинг калитидир.

**О. БАЛЬЗАК**

Ҳайратланиш учун бир дақиқа вақт кифоя, бироқ ҳайратомуз нарсани яратиш учун қанчадан-қанча йиллар керак.

**К. ГЕЛЬВЕЦИЙ**

Қиттаккина шоирлиги бўлмаган одам ҳақиқий математик бўлолмайди.

**К. ВЕЙЕРШТРАСС**

Биз ҳозир физикадан аниқ биладиган нарсалар илгарилари тахмин қилинган эди, агар ҳатто янглиш бўлса ҳам, тахминларга сира йўл қўйилмаганида эди, унда бирорта ҳам ҳақиқат очилмаган бўларди.

**Э. ЭЙЛЕР**

Ҳар қандай таълимот уч босқичдан ўтади: аввал ақлга сиғмайди, деб эълон қилиб, унга хуруж қиладилар. Кейин афтидан оз бўлса-да, ҳақиқат борга ўхшайди, деб хулоса чиқарадилар. Ниҳоят, унинг ғоят муҳимлигини тан оладилар-у, сўнг "мен очдим буни", деб талашадилар.

**У. ЖЕЙМС**

Утопиялар кўпинча аввалроқ айтиб қўйилган ҳақиқатлар бўлиб чиқади.

**А. ЛАМАРТИН**

Янгиликни пешона тери билан яратиш керак, эски нарса эса урф-одат ҳассасига таянганча тураверади.

**А. ГЕРЦЕН**

Қўлдан келадиганига эришмоқлик учун қўлдан келмайдиганига ҳам уринишни унутма.

**А. РУБИНШТЕЙН**



Кураш...

Ш. ИБРОХИМОВ олгансурат

## Ҳажвия

# ТЕСКАРИ ОТ

Эҳсонжоннинг ўз фалсафаси бор: киши бирон ишни бажаролмаслиги мумкин, аммо у, албатта, ўша ишни бажариш учун жон-жаҳди билан уринмоғи лозим. Ҳали ҳеч ким Эҳсонжонни бу фикридан қайтаролган эмас. Бирон кимса бунга ҳаракат қилгудек бўлса, у темирдек мустаҳкам далилларни қалаштириб ташлайди:

"Суворов, генерал бўлишни орзу қилмаган солдат солдат эмас, деган", "Тоғ сўрагин, тепа берса ҳам майли, деган экан машойихлар". "Туя ҳаммомда чўмилишни орзу қиларкан, наҳотки сиз туячалик ҳам бўлмасангиз?!".. Қани, айтинг-чи, қайси Афлотуни замон бу далилларга қарши бора олади?

Эҳсонжон ўзининг ана шу фикрига асосланиб чекига тушмаган кўп ишларга қўл уриб кўрди. Мақсади Афлотун билан Искандарнинг шуҳратини қўшганда тенг келадиган шуҳратга эга бўлиш эди. У Москвада бўлган чоғида "Третьяков галереяси"ни одамлар қанчалик ҳайрат билан томоша қилаётганликларини кўриб, рассом, аниқроғи, буюк рассом бўлишга аҳд қилди. Аммо, у чизиб берган суратни мактабига кўтариб кетган қизчаси "икки" олиб қайтгач, ҳаваскор рассом мўйқаламни ҳеч иккиланмай роялга алмаштириб қўяқолди. Афсуски, бу соҳада ҳам иши юришмади. Қўшнилари, кечаси-ю кундузи бизга тинчлик бермаяпти, деб унинг устидан маҳалла қўмитасига шикоят қилишди. Шундан сўнг Эҳсонжон узоқ вақт шуҳрат отини тизгинлаш йўлини тополмай юрди. Лекин, интилганга толе ёр, деганлари тўғри экан, охири топди.

Ўша куни у чойхонада аччиқ кўк чойни майдалаб ўтирган эди. Тўсатдан бақириб юборди, севинганидан юраги пакка ёрилиб кетай деди, аммо ҳарқалай ёрилмади (Ёрилмагани учун ҳам Эҳсонжон шу кундан эътиборан докторларнинг "юрагингиз заиф" деган гапига мутлақо ишонмай қўйди). У ўрнидан шартта туриб чой пулини ҳам насия қилиб уйига жўнаб қолди. Буни қаранг-а, инсонни хом сут эмган деб бекорга камситишмасакан-да! Шу пайтгача бу қовоқ калла мундоқ жон куйдириб ишламаяпти-я! Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, шоирлик... қайси касб эгаси шуҳрат бобида шоирларга тенглаша олади? Ер шарини бешикдек тебратиб, инсонлар қалбини шабададаги япроқдек титратиб турган шоирлар камми? Умар Хайём, Навоий, Пушкин... Энди уларнинг сафига яна бир буюк шоир қўшиладиган бўлди... Эҳсонжон қадамини тезлатгандан тезлатди ва бирпасда уйига етиб келди. Етиб келди-ю, ўғлидан битта дафтар олиб ижодни бошлаб юборди. Аммо қўлидаги шарикли ручканинг учини қоғоз юзига тегизолмасдан узоқ қийналди. Шундоқ бўлса ҳам умидсизликка тушмади, ўқиш-ўрганишда, машқ қилишда давом этди. Орадан бирор ойлар чамаси ўтиб қўли анча келишиб қолди ва ижод дафтарида:

***"Отилади замбарак***
***Мисоли момогулдурак...***
***Қўшним шолча олибди,***
***Сўрисига солибди..."***

қабилидаги "шеърлар" пайдо бўлди. Табиийки, муаллифнинг ўзига бу мисралар Навоий ғазалларидан ҳам латифроқ туюларди. Шунинг учун ҳам у аллақайси идорада машинистка бўлиб ишлайдиган қўшни аёлга бироз пул бериб машқларидан ўн-ўн бештасини кўчиртирди ва туман газетасига олиб борди. Адабиёт бўлимининг мудири ёшгина йигитча экан, яхшилаб танишиб олишди. Туш пайтигача шеъриятдан гаплашиб ўтиришди. Сўнг ошхонага бориб овқатланишди, пивохўрлик қилишди. Буларнинг ҳамасига пулни, албатта, Эҳсонжон тўлади. Охири бир-бирларида яхши таассурот қолдирганликларини айтиб қуюққина хайрлашишди.

Шанба куни Эҳсонжоннинг иккита шеъри босилиб чиқди. Аммо, икковиям шу қадар ўзгартирилгандики, Эҳсонжон шеърларини ўзининг исм-фамилиясига қараб зўрға таниди. Шундай бўлсаям жуда суюниб кетди ва анча-мунча совға-салом қилиб газетачи дўстиникига бориб келди...

Эҳсонжоннинг шеърлари туман газетасида тез-тез чиқа бошлади. Аммо у не умидлар билан олиб келиб дарвозасига ўрнатиб қўйган почта яшигига мухлислардан биронта ҳам хат келиб тушмади. Бу ҳолдан шўрлик шуҳратталаб қандай ҳолга тушганини айтмай қўяқолай. У узоқ вақтгача шуҳрат отини қандай қилиб тизгинлаб олиш йўлини тополмай юрди. Охири топди. Топгандаям бу сафар чинакамига топди. Инсон шундай мавжудотки, қизиқ нарсаларни ўлгудай севади, уларни ёдида сақлаб қолади. Поэзия ихлосмандлари диққат-эътиборини ўз шеъриятига қаратиш учун Эҳсонжон уларнинг ана шу хусусиятидан фойдаланишга қарор қилди. Бунинг учун у ўзига ниҳоятда қизиқ тахаллус ўйлаб топди — шеърлари остига Чоричамбар деб имзо қўя бошлади. Натижа кутилганидек бўлиб чиқди: бутун туман аҳлининг тилида Чоричамбар бўлиб қолди. Бу номни эшитганда энг жиддий киши ҳам бир жилмайиб қўядиган бўлди.

Хуллас, Эҳсонжон Чоричамбар ўзи зўрға миниб олган шуҳрат отида маза қилиб юрарди. Афсуски, бу узоққа бормади. Бир куни у шоирлик кўчасига киргандан буён кутаётган воқеа рўй берди — унга мухлислардан хат келди. Эҳсонжон ўз ижоди хусусидаги иссиқ-иссиқ гапларни бемалолроқ ўқиб маза қилиш учун сўрига бориб кўрпачага ёнбошлади ва конвертни очди. Очди-ю, севинчидан қичқириб юборди. Хат ҳозир танқидчиликда анча танилиб қолган собиқ синфдошидан эди. Эҳсонжон уни шоша-пиша ўқишга тутинди:

"... Дўстим! Яқинда қишлоқда бўлган чоғимда шоирлик шуҳратингни эшитдим, "шеър"ларинг билан танишдим ва ... сенга жуда раҳмим келиб кетди. Биламан, мактабда ўқиб юрган кезларимиздаёқ сенга шуҳратпарастлик касали теккан эди. Мана, ўзинг орзу қилган шуҳрат отига минибсан. Лекин мени хафа қилган нарса шу бўлдики, сен бу отга тескари миниб олибсан! Тўғри, катта-ю кичикнинг тилида "Чоричамбар". Лекин улар бу сўзни ҳурмат билан эмас, масхара-кулги билан тилга олишяпти. Ҳаҳот, сен буни сезмаётган бўлсанг! Сенинг "шуҳрат"инг менга "шоир" Жўқининг "шуҳрат"ини эслатди. Униям бутун республика "танийди", лекин...

Дўстининг бу мактуби осмон-у фалакда юрган Эҳсонжонни оёғидан тортиб ерга тушириб қўйди.

У хатни ўқиб чиққач, ижод дафтарига ўзининг сўнгги шеърини ёзди:

***Қувиш беҳуда, ҳайҳот,***
***Шуҳрат оти — тескари от!***

Эҳсонжон ижод дафтарини шу мисралар билан бир умрга ёпди.

**Мухтор НОСИР**

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси жамғарма ижрочи директори Қ. Маматовга бувиси

**ҲАБИБА ая**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Voice of America

# Америка овози

www. voanews. com/uzbek

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

*Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида*
*Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида*
*Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.*

«Америка овози»

*радиосини қисқа тўлқин — УКВ 17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда; 20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19, шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.*

«Америка овози» радиосининг ўзбек хизмати ўз фаолиятини телевидение кўрсатувларини ҳозирлаш йўналишида қайта қураётгани учун Тошкент вақти билан соат 17:30 да бериладиган ярим соатлик эшиттиришини шу йилнинг 23 ноябрь, якшанба кунидан эътиборан тўхтатади.

Тошкент вақти билан 20:00 да бошланадиган дастуримиз эса ҳеч қандай ўзгаришларсиз давом этади. Ўзбек тилидаги телекўрсатувлар билан боғлиқ ҳолатимиз ҳақида Интернетдаги саҳифамиз орқали танишиб боришингиз мумкин.

*МУРОЖААТ УЧУН*
*VOA UZBEK SERVICE*
*Independence Avenue SW,*
*Room # 2141, Washington,*
*DC 20237, USA*
*Tel: (202)6197566,*
*(202)6190368, fax:*
*(202)2603498,*
*(202)6190368*
*uzbek@voanews.com*

**Газетанинг навбатдаги сони 3 декабрь, чоршанба куни чиқади.**

Ўзингни англаб эт!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

*Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:* Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

«Hurriyat» kompyuter markazida Elyor UBAYDULLAYEV tomonidan sahifalandi.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

® — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — ...
Буюртма — Г - 0063
Т: 2692

*Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*